

Сафарда суннат намозларини ўқиш мумкинми?

05:00 / 09.01.2017 64911

Аллоҳга беҳад ва беадад шукру ҳамдлар бўлсин. Унинг Расули Муҳаммад Мустафога ҳамда ул зотнинг аҳли байт ва саҳобаларига дуруду саловотлар бўлсин. Ислом дини шаънини юқори кўтарган, исломий илму маърифатни дунёга таратган уламо ва фузалоларга раҳмату мақтовлар бўлсин.

Аллоҳнинг марҳамати, истиқлолимиз шарофати ила эмин-эркинлик бўлиб, динимизга оид адабиётлар кўплаб нашр қилинмоқда, диний манбалар таржима этилиб чоп этилмоқда. Қуръони каримнинг маъно таржималари бир неча бор ўзбек тилида дунё юзини кўрди. Имом Бухорий (810-870)нинг мўътабар асари уч бор тўла таржимаси, Имом Термизий (824-892) асарининг бир қисми таржима бўлди ва икки марта нашр этилди. Имом Муслим (821-875)нинг асари эса таржима қилиниб турганидан, Имом Доримий (794-869) асари эса таржима қилинаётганидан хабаримиз бор, ва, ниҳоят бошқа муҳаддисларнинг асарларининг ҳам таржимаси бошлаб юборилди. Булардан ташқари ақоид, фикҳ, тасаввуфга оид ўнлаб асарлар, мерос илмига оид рисоалар ва ҳоказолар ўзбек тилида мусулмонлар қўлига етиб бормоқда. Йирик ҳажмли “Ҳадис ва ҳаёт” қомуси, “Зикр аҳлидан сўранг...” ойномаси китобсевар мусулмонлар қўлига етиб турибди. Айниқса, ҳанафий мазҳабига оид асарларнинг кўплаб чоп этилиши ҳар хил ихтилофларнинг олдини олишда муҳим омил эканлигини эътироф этиш лозим.

Зеро, фикҳ соҳасидаги мунозаралар, муҳокамалар, ҳар хил ёндошувлар ҳамма замонларда бўлиб турган ва ҳозир ҳам давом этмоқда. Мустақиллик йилларида Республикамизда чиқаётган фикҳга оид асарларда ҳам бундай ҳар хилликлар ва фақиҳларнинг турлича қарашлари ўз аксини топмоқда. Баъзида оддий халқ орасидаги баҳслар ҳам бундай фикҳга оид асарлар натижасида бўлиб туради. Бироқ, ҳар бир мазҳабнинг ўзига хос қарашлари ва фатволари бор. Бундай қараш ва фатволар ўша мазҳабни бошқаларидан ажратиш, билдириш туради. Баъзи бир фикҳий қарашлар эса барча мазҳабларда яқдиллик ила қабул этилган. Мана бу ҳақиқатни ажрата билиш жуда муҳим. Зотан, фатво бераётган уламо ўз мазҳабининг асоси

бўлмиш усулни билмаса, бошқа мазҳаб қарашларига оғиб кетиши, бемазҳаблик йўлини тутиб ўзини ҳам, халқни ҳам оворая сарсон қилиши ҳеч гап эмас.

Кейинги ўн йилликларда ҳар йили ҳаж арафаси ва ҳаж мавсумида кўзғаладиган, баҳсу мунозараларга сабаб бўлган масалалардан бири мусофир одам сафарда суннат намозларини ўқиши мумкинлиги ёки ўқимаслиги ҳақида бўлаётгани кўпчиликка маълум.

Сафарда суннат ўқиб бўлмайди, дегувчилар Имом Бухорий (р.х.) ва Имом Муслим (р.х.) томонидан саҳоба Ибн Умар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисни далил сифатида келтирадилар: "Мен сафарда Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам билан Абу Бакр, Умар ва Усмонлар билан ҳамроҳ бўлганман. Уларнинг биронталари ҳам сафарда икки ракъат фарздан бошқа намоз ўқимас эдилар".

Сафарда суннатлар ўқилмайди дегувчилар Ибн Умар (612-693) разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган юқоридаги ҳадисни келтиришдан олдин, баҳс этилаётган мавзуга оид ҳамма ҳадисларни, айниқса, айнан Ибн Умар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бошқа бир ҳадиси шарифни ҳам ўқиб чиққан бўлишлари керак эди. Гап шундаки, "Саҳиҳи Бухорий"нинг "Намозни қаср қилиб ўқиш ҳақидаги китоб"идаги 7, 8, 10, 12 – бобларида сафарда нафл ўқиш ҳақидаги бир қанча ҳадиси шарифлар келтирилган. (Қаранг: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ. I китоб. –Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2008. 180-182 бетлар.)

Уларда мусофир гарчи улов устида кетаётган бўлса ҳам, имо-ишора қилиб бўлса ҳам нафлларни адо этиши мумкинлиги, балки кераклигини таъкидланган. Айнан муаллиф келтирган ҳадиси шарифнинг ровийси Ибн Умар разияллоҳу анҳунинг ўзи улов устида қайси томонга қараб бўлса ҳам фарз намозидан бошқа намозларни ўқиб кетишини Имом Бухорий томонидан ривоят қилинган-ку!

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сафарда суннат намозларини (бомдод суннатидан ташқари, албатта) ўқимаганлар деб, сафарда суннат намозларини ўқимаслик суннат деган хулосани баён қилинган. Аслида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қилган, бир-икки марта тарк қилиш билан бажариб юрган феълларидан фикҳдаги суннат атамаси ва ҳукми юзага келган. Ул зоти шарифнинг қилмаган феъллари суннат дейилмайди. Зотан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи

ва саллам гилам ва кўрпачалар солинган масжидларда намоз ўқимаганлар. Унда бундай масжидларда намоз ўқимаслик суннат бўладими?! “Чилёсин” ўқиб одамларга дам солганлари маълум эмас, ўлган биронта яқинларига “таборак сураси”ни ўқиб бағишлаганлари ривоят қилинмаган. Демак, бу феълларни қилмаслик суннатлиги чиқадими?! Асло, ундай эмас!

Сафарда суннат намози ўқилмайди дегувчиларнинг ҳаддан ошганлари ҳатто ҳарами шарифда суннат ўқиш "гуноҳ" деган фикрни ҳам айтадилар. Ҳарами шариф мўъмин кишининг кўп ибодат қиладиган, ғанимат биладиган муқаддас макони эмасми?! Ҳарами шарифга кирган инсон суннат ўқиш "гуноҳ" бўладиган бўлса, нима билан машғул бўлади?! Фақат у тавоф ва қироат ёки зикр қилавермайди-ку! Ҳарами шарифга зиёратга борган минглаб, балки миллионлаб мусулмонлар суннат намозларини ўқиб гуноҳкор бўлиб қайтишаётган экан-да!

Ҳарами шарифга кирган одам суннат ўқимасдан ўзи хоҳлаганча намоз ўқиши мумкинми?! Хўп, шундай бўла қолсин. Ўзи хоҳлаган намозини ўқийдиган бўлса, унда ўша одам ўзи хоҳлаб суннат ўқиса-чи, бу мумкин эмасми?!

Сафарда суннат намози ўқиш мумкинлиги, суннат ўқиш асло гуноҳ эмаслигини айтувчи ўзбек олимларининг фикрлари қуйидагича:

Пойтахтимиздаги муҳтарам олимларимизнинг раҳбари Муфтий Усмонхон Алимов ҳазратлари бўлиб, ул зот “Сўраган эдингиз...” рисоласида сафарда суннат намозларини қаср қилиб ўқиш мумкин ёки мумкин эмаслиги борасидаги мусулмонлар сўраган саволга жавоб бериб, бундай деб фатво берганлар:

“Сафарда суннат намозлар қаср қилинмайди... Ҳозирги пайтда техника ривожланиб, киши хоҳлаган манзилига ўз машинасида ёки кўчанинг машинасида етиб олиши мумкин. Намоз вақти кириши билан бемалол тўхтаб, дам олиб, намозни тўқис адо этиш мумкин. Шундай пайтларда фарз намозларни қаср қилиб, суннат намозларни тўлиқ ўқийди. Мободо вақт зиқ бўлиб, фарз намознинг вақти чиқиб кетаёзган бўлса, ёки бошқа зарурат ҳолатларда суннат намозларни ўқимайди”. (Қаранг: Сўраган эдингиз... / Саволларга Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов жавоб берадилар. 8-сон. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2009. 36-бет.)

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий ҳазратларининг берган фатвоси Ҳанафия мазҳаби уламолари берган фатволарига ҳамоҳангдир. Бинобарин, вақт зиклигида, қийинчилик бор пайтда фарзларни қаср қилиб ўқийди-да, суннатларни ўқимай қўяверади. Зотан, Ислом шариати сафарнинг қийинчилигини эътиборга олиб, фарзларни қисқартирганидан кейин суннатларни ўқимасликка рухсат беради, албатта. Бироқ, ҳарами шарифда айнан ҳаж ибодатига келган ҳожилар ибодат ва тоат шавқи ва завқида бўлиб турсалар-у, уларга суннат ўқишлик гуноҳ дейиш ҳеч бир мусулмонга жоиз эмас! Зеро, Ўзбекистон Мусулмонлари раиси “суннат намозларни тўлиқ ўқийди” деб тургани беҳуда қолиб, ихтилоф келиб чиқади-ку!?

Биринчи муфтий Эшон Бобоҳоннинг авлодидан муфтий Шамсиддинхон Бобоҳон ҳазратлари ҳамда Шайх Абдулазиз Мансур жаноблари ўзларининг халқ орасида машҳур бўлиб кетган "Минг бир фатво" рисоаларининг 2-қисмида 330-фатвода бундай деб фатво берганлар:

"Сафарда суннат намозларини ўқимасликка баъзи уламолар рухсат берган бўлса-да, хавф-хатарли жойларда ўқимаслик, барқарор, тинч жойларда ўқишлик авлодир". (Қаранг: Шамсиддинхон Бобоҳон, Шайх Абдулазиз Мансур. Минг бир фатво. 2-қисм. –Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2005. 10-бет.)

Мазкур фатвога кўра, барқарор, тинч ва осойишта жой бўлган ҳарами шарифда суннат намозларини ўқиш авло экан!

Яна пойтахтимиз олимларидан Муҳаммад Шариф Жуман домла ҳамда Аҳмад Муҳаммад биргаликда нашр қилдираётган "Динда саволим бор..." рисоаларининг иккинчи ва бешинчи сонларида мусофирнинг ҳам суннат намози ўқишлиги мумкинлигини ёзиб, бомдоднинг суннатини ўқишлик ҳақидаги ўқувчиларнинг саволига жавоб сифатида бундай фатво берганлар:

"Энди унинг сафарда тарк этиш масаласига келсак, имкон борича ўқилади, аммо ўқилмай қолса, гуноҳ бўлмайди". (Қаранг: Муҳаммад Шариф Жуман, Аҳмад Муҳаммад. Динда саволим бор... Иккинчи китоб. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. 22-бет.)

Ҳарами шарифда намоз ўқишга мушарраф бўлган бахтли намозхон нафақат бомдоднинг суннатини, балки бошқа суннат намозларни ўқишга ҳам имкон топади. Бинобарин, уни ўқилмасдан қолдиришга эмас, ўқишга

ҳаракат қилмоғи даркор. Ўқилмай қолса, гуноҳ бўлмаслиги қандай вақтда ва ҳолатда бўлишини Муҳаммад Шариф Жуман ҳамда Аҳмад Муҳаммадлар жуда яхши биладилар. Шунинг учун мусофирга тааллуқли ҳукмларни баён қилганларида бундай ёзганлар:

"Агар йўлда қийинчилик ёки вақт зиклиги мавжуд бўлса, суннатларни ўқимаслик жоиз". (Қаранг: Муҳаммад Шариф Жуман, Аҳмад Муҳаммад. Динда саволим бор... Бешинчи китоб. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006. 21-бет.)

Халқимизнинг яна бир буюк олими Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ҳам "Зикр аҳлидан сўранг" ойномасининг 10-сонидан 119-саволнинг 3-бандига ҳамда 67-сонидан суннат намозлари ҳақидаги саволга жавоб бериб: "Сафарда юриб турганда суннатларни ўқимаса бўлади. Аммо жойлашиб олгандан кейин суннатлар ҳам ўқилади", деб фатво берган (Қаранг: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Зикр аҳлидан сўранг. 10-сон. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. 18-бет. Шунингдек қаранг: 67-сон. –Т.: "Тошкент ислом университети" нашр.-матбаа бирл., 2008. 23-бет.) ва шу фикрни "Кифоя"да ҳам давом эттирган. (Қаранг: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Кифоя. 1-жуз. –Тошкент: "Шарқ" нашриёт матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2008. 369-бет.)

Бундан ташқари, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари сафарда суннат намозлар ўқиши ёки ўқилмаслик ҳақидаги савол-жавоблар, гап-сўзлар кўпайиб бораётганини эътиборга олиб, ҳар хил ихтилофларга чек қўйиш, намозхонларнинг бир фикрга келишлари учун "Зикр аҳлидан сўранг" ойномасининг 22-сонидан бу масъалага батафсил тўхталган ва тўрт мазҳабнинг фикҳий асарларидан иқтибослар олиб, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳадисларидан далиллар келтириб, сафарда иложи борича суннатларни ўқиш кераклиги тўғрисида муфассал баёнотлар зикр қилган. (Қаранг: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Зикр аҳлидан сўранг. 22-сон. –Тошкент: "Тошкент ислом университети" нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. 3-18 бетлар.)

Ҳар йили ҳаж мавсумида сафарда суннат ўқиш ёки ўқимаслик ҳақида тортишувлар, мусулмонлар орасида ихтилофлар бўлаверганидан кейин вилоятдаги олимларимиздан бири Абдуллатиф қори Ҳошимжон қори ўғли, пойтахтимиздаги адибларимиздан ҳожи Мирзо Аҳмад Хушназар билан бирга "Ҳаж – покланиш сафари. Ҳожиларга ёрдам" рисоаларида сафарда суннат намозларини ўқиш ҳақида ҳам тўхталишни лозим топганлар. Бу ерда улар мазҳабимизнинг фикҳий манбаларига ҳамда Расулulloҳ

соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига суянган ҳолда ҳожилар суннат намозларини ҳам имкон даражасида ўқишлари суннат эканлигини баён қилганлар. (Қаранг: Абдуллатиф қори Ҳошимжон қори ўғли. Ҳаж – покланиш сафари. Ҳожиларга ёрдам. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. 27-36 бетлар.)

Юқорида иқтибослар олинган мазкур асарларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Муслмонлари идорасининг Уламолар Кенгаши қошидаги экспертизадан ўтказилган ҳамда Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитасининг тавсиясига биноан чоп этилган. Шунингдек, Дин ишлари қўмитасининг тавсияси билан нашр этилган “Таҳорат ва намоз ҳукмлари” китобида ҳам “сафарда бомдод, шом ва витр намозлари ҳамда суннати равотиблар эса бутун ўқилади” дейилган. (Қаранг: Аҳмад Иззуддин ал-Баямуний. Таҳорат ва намоз ҳукмлари / Таржимон А.Абдуазимов. Т.: Мовароуннаҳр, 2005. 126-бет.)

Сафарда суннат ўқилмаслиги ҳақида далил сифатида келтирилган Ибн Умар (р.а.)нинг ривоят қилган ҳадиси борасида уламоларимиз бундай жавоб берганлар. Имом Термизий Ибн Умар разийаллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шариф шундай келтирилган:

ملسو وهىلع هللى صى بنى عم تىلص :لاق امهنع هللى ضر رمع نبا نع
و نىتعك اهدعب و اعبرأ رهظلال رضحلاى ف هعم تىلصف رفسلال و رضحلاى
مل و نىتعك رضعلا و نىتعك اهدعب و نىتعك رهظلال رفسلالى ف هعم تىلص
صقنت ال تاكك رثالء اوس رفسلال و رضحلاى ف برغملا و ،ائيش اهدعب لصى
نىتعك اهدعب و راهنلا رتو ه رفسلالى ف ال و رضحلاى ف

"Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга ҳазарда (муқимликда) ҳам, сафарда ҳам намоз ўқидим. Муқимликда ул зот билан бирга пешин намозини тўрт ракъат, фарздан кейин эса икки ракъат ўқидим. Сафарда у зот билан бирга пешин намозини икки ракъат, фарздан кейин ҳам икки ракъат ўқидим; аср намозини ҳам икки ракъат ўқидим, (аммо) асрдан кейин ҳеч қандай намоз ўқимадилар. Шом намозини ҳазарда (муқимликда) ҳам, сафарда ҳам бир хил – уч ракъат ўқидим. Ҳазарда ҳам, сафарда ҳам шом намози қисқартирилмайди. Чунки, у кундузнинг витридир. Шомдан кейин икки ракъат ўқидим". (Қаранг: Термизий ривояти. Абвоб ас-солат, 31. Сафарда нафл ўқиш борасида келган ҳадислар боби, 552-рақам. Бу ҳасан ҳадис деган. Шунингдек қаранг: Шайх Валийуддин ат-Табризий. Мишкот ал-масобиҳ. 1-жилд. –Қозон-1898. 213-бет.)

Мазҳабимизнинг машҳур имоми, ақоид илми олимларидан, IX аср муҳаддиси Имом Таҳовий (845-933) ҳам мазкур ҳадисни ҳасан деб ривоят қилган ва "Сафарда хуфтонни икки рақъат қилиб ва ундан сўнг икки рақъат ўқидилар" деган жумлани қўшиб келтирган. (Қаранг: Мушкил ул-асор, 1/243. Шунингдек, Имом ат-Таҳовий Ибн Умар (р.а.)нинг ривоят қилган ҳадисини "Шарҳи маоний ал-асор" асарида "Мусофирнинг намози боби"да келтирган. Қаранг: Шарҳи маоний ал-асор. (2/239-240).)

"XX аср ҳадисшуноси" деб аталаётган Албоний мазкур ҳадиснинг иснодини заиф деган. Унинг заиф дейишининг зарари йўқ. Чунки, заифлик бирор жиҳат билан қувватланадиган бўлса, хусусан, фазойили аъмол борасида заиф ҳадис амал қилишга ярайди. Буюк муҳаддис Имом Термизийнинг ўзи ривоят қилган ҳадисини ҳасан деб қўйган бўлса, унга албатта амал қилинади. Зотан, ҳасан ҳадис амалиётда ҳужжат сифатида олинишига бутун муҳаддислар иттифоқ қилганлар. (Қаранг: Муҳаммад Жамолиддин ибн Муҳаммад Саид ад-Дамашқий. Қавоид ат-таҳдис мин фунуни мусталаҳ ал-ҳадис / ал-Мактабат аш-шомила. Ал-Исдор ас-соний. 1/66 ва ундан олдинги саҳифалар. Шунингдек, қаранг: Ҳазрат Мавлоно Ҳабиб ар-Раҳмон Қосимий. Шарҳ муқаддимат аш-Шайх Абдулҳаққ Деҳлавий фий баёни баъзи мусталаҳоти илм ал-ҳадис. -Девбанд: Маркази даъват ва таҳқиқ, 1417. 103-бет. Шунингдек, Имом Нававий ўзининг "Арбаъин" асари муқаддимасида заиф ҳадисларга амал қилиш мумкинлигини айтган. Қаранг: Имом Муҳиддин Закариё ибн Шараф Нававий. Қирқ ҳадис / Таржимон Отабек Ғайбуллоҳ. -Т.: Мовароуннаҳр, 2005. 4-бет.)

Имом Термизий сафарда пешиннинг ва бошқа намозларнинг суннатлари ўқилиши ҳақидаги ҳадисларни келтириб бундай деган:

باحصاً ضرب ي أرف م لسو و ه ل ل ل ي ل ص ي ب ن ل ل د ع ب م ل ع ل ل ل ه أ ف ل ت خ ا م ث
ل ه أ ن م ة ف ئ ا ط ي ر ي م ل و ، ق ا ح س ا و د م ح أ ل و ق ي ه ب و ، ر ف س ل ل ي ف ع و ط ت ي ن أ ي ب ن ل ل
ل و ب ق ر ف س ل ل ي ف ع و ط ت ي م ل ن م ي ن ع م و ا ه د ع ب ا ل و ا ه ل ب ق ل ج ر ل ل ي ل ص ي ن أ م ل ع ل ل
م ل ع ل ل ل ه أ ر ث ك أ ل و ق و ه و ، ر ي ث ك ل ص ف ك ل ذ ي ف ه ل ف ع و ط ت ن م و ، ة ص خ ر ل ل
ر ف س ل ل ي ف ع و ط ت ل ل ن و ر ا ت خ ي

"Сўнгра, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин илм аҳли ихтилоф қилишди. Пайғамбарнинг баъзи саҳобалари сафарда татаввуъ (суннат ва нафл) ўқийди, деб Аҳмад (ибн Ҳанбал) ва Исҳоқ (ибн Роҳавайҳ) шундай фикрни айтганлар. Бир гуруҳ илм аҳли эса, киши фарзлардан олдин ҳам, кейин ҳам намоз ўқишни жоиз кўрмаганлар. Сафарда татаввуъ ўқимасликнинг маъноси рухсатни қабул қилишдир. Кимки татаввуъ ўқиса, шубҳасиз, бунда кўп фазилат бор. Илм аҳлларида кўпчилигининг қавли

шу: сафарда татаввуъ (суннат ва нафл) намози ўқимоқни ихтиёр қилганлар".

Бомдод намозининг суннати суннат намозлари ичида энг афзали, таъкидланганроғи эканлиги барчага маълум. Уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳазарда ҳам, сафарда ҳам тарк қилмаганлар. Абу Ҳурайра (602-679) разийаллоҳу анҳу ривоят қилишига қараганда, Пайғамбаримиз алайҳиссалом бундай деб буюрганлар:

ليخلى مكدردط ول ورجفلا يتعكر اوعدت ال

"Бомдод намозининг суннатини тарк этманглар, гарчи сизларни отлиқлар қувиб келса ҳам". (Қаранг: Муснаду Аҳмад 2/405; Абу Довуд, Боб ракъатай ал-фажр, 1258-рақам. Шунингдек, "Найл ул-автор" да ҳам (2/264) нақл қилинган.)

Мазкур ҳадиси шарифдан бомдоднинг суннатини сафарда ҳам тарк қилмаслик лозимлиги чиқади. Зотан, отлиқларнинг қувиб келиши кўпинча сафарда юз беради.

Бомдод суннатидан кейинги афзал суннат намози шомнинг суннати эканлигини бухоролик машҳур фақиҳ Шамс ул-аимма ал-Ҳалвоий (вафоти 452/1060) ихтиёр қилган. Ибн Ҳумом (1386-1456) "Фатҳ ул-қадийр" да ва Акмалуддин Бобуртий (1313-1384) "Иноя" да айтишларига қараганда, Шамс ул-аимма ал-Ҳалвоийнинг фикрига кўра шом намозининг суннатини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳазарда ҳам, сафарда ҳам тарк қилмаганлар. (Қаранг: Камолиддин ибн ал-Ҳумом. Фатҳ ал-қадийр. Боб ан-навофил. 1-жилд. –Миср: Амирия, 1310. 313-бет; Акмалуддин Бобуртий. Ал-Иноя. –Миср: Амирия, 1310. 314-бет.)

Шу сабабдан бўлса керак, айнан бомдод ва шом намозларининг суннатларини барча ҳолатларда тарк қилмасликни ўзбек халқининг буюк бобокалони Алишер Навоий ҳам ўзининг "Сирож ул-муслимин" асарида "Намоз суннатларининг рақаоти адади" баёнида таъкидлаган:

Бировким, кеча-кундуз қилса тоат,

Эрур суннат анга ўн икки ракъат.

Икки ар ракъат ўлди субҳ ила шом,

Ул икки тўртдур, англа барча айём. (Қаранг: Алишер Навоий. Мукамал асарлари тўплами. XVI том. –Т.: Фан, 2000. 285-бет.)

бет.)

Мавлоно Алий ал-қори (вафоти 1014/1605) “Мирқот ал-мафотих” асарида Ибн Умар разийаллоҳу анҳунинг сафарда суннат ўқишни инкор қилганининг сабаби вақт зиклигида нафл (суннат) ўқишга ёпишиб олиш ва йўл юришда суннат вазифаларини лозим деб гумон қилишни ёқтирмагани учун деб зикр қилган. Ўғлининг нафл ёки суннатни тарк қилиш жоизлигини билиб вақт кенглигида ўқишини кўриб инкор этмаган, деган. (Қаранг: Али ибн Султон Муҳаммад ал-Қори. Мирқот ал-мафотих. 3-жилд. –Байрут: Дор ал-фикр, 1994. 438-439 бетлар.)

Бундай қараш, яъни мусофир суннат намозларини ўқишлиги ва ўқимаслиги ҳақидаги қараш мазҳабимизнинг мўътабар фикҳий манбаларида ҳам келтирилган. Жумладан,

رفاسم ل ل او زوج م هضعب و .ىسخرسلا طيحملا ى ف اذك ،ننسللا ى ف رصق ال و
لا ح ى ف اهب ى ت اى و فوخللا ل ا ح ى ف اهب ى ت اى ال ه ن ا ر ا ت خ م ل ل و .ننسللا ك ر ت
ى ر د ر ك ل ل ز ي ج و ل ل ى ف ا ذ ك ه ن م ا ل و ر ا ر ق ل ل

"Суннатлар (ўқиш)да қаср қилиш йўқ. Чунончи, "Муҳит ас-Сарахсий"да келгандир. У (уламолар)нинг баъзиси мусофир учун суннатларни тарк қилишни жоиз қилганлар. Мухтор қавл шуки, (ихтиёр этилган қараш шуки), уларни хавф ҳолатида келтирмайди, қарор ва тинчлик-омонлик ҳолатида уларни келтиради (яъни, суннатларни ўқийди). Мана шундай Имом ал-Кардарийнинг "ал-Важиз" (яъни “Фатовойи Баззозия”) асарида келгандир". (Қаранг: ал-Фатово ал-Ҳиндия ал-маъруфа би-л-Фатово ал-Оламгирия. 1-жилд. –Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2000. 153-бет.)

Бухоролик улуф ва таниқли фақиҳлардан бири Имом ал-Ҳиндувоний (вафоти 362/972) юқоридаги қавлга ўхшашни фатво берган эканлар. Яъни, у зот мусофир йўлда юрганида суннатларни ўқимаса ҳам бўлади, лекин борадиган жойига етгандан сўнг суннатларни ўқиши афзалдир:

اهل ع ف نا ى ناودنه ل ل ا ق ا م ل د ع ا ل و .ال ل ي ق و .ننسللا ك ر ت ر ف ا س م ل ل ص خ ر ي و
ر ج ف ل ل ا ن س ال ر ي س ل ل ا ح ل ض ف ا ك ر ت ل ل و ل و ز ن ل ل ا ح ل ض ف ا

"Мусофир учун суннатларни тарк қилиш рухсат этилади. Рухсат этилмайди, ҳам дейилган. Ал-Ҳиндувоний айтгани энг адолатлироғидур: агар уларни келиб тушган ҳолатида бажарса афзалдир. Сайр (йўлда юрган) ҳолатида эса ўқимагани афзалдир. Фақат бомдоднинг суннати унақа эмас (яъни, барча ҳолатларда уни ўқиш керак)".

Мазкур иборани Мулло Хусрав ал-Ҳанафий (вафоти 885/1480) ўзининг "Дурар ал-ҳукком фий шарҳ Ғурар ал-аҳком" асарида зикр қилган ва яна Бухоро амирлигининг охириги муфтий ва қозилари таълиф қилган "Фатовойи Жунг"да ҳам иқтибос олинган. (Қаранг: Муҳаммад ибн Фаромуз Мулло Хусрав ал-Ҳанафий. Дурар ал-ҳукком фий шарҳ ғурар ал-аҳком. -Истанбул: Саҳҳофия, 1318. 134-бет; Мухтасари Виқоя маъа Жунг. -Бухоро-Когон, 1327. 66-бет.)

Ҳанафий мазҳабининг яна бир мўътабар манбаларидан бири, Иброҳим Ҳалабий (вафоти 956/1549)нинг "Ҳалабийи кабир" деб аталадиган машҳур асарида бундай ибораларни ўқиймиз:

ي و .صخري ال لصفلا :لاق و .ضعبالا لوقى لى ن نسلال كرت رفا سملل صخري كرتلا لىق .لصف لى ف اوملكت و ن نسلال لى ف رصق ال ةمئال سمشل طوسبملا كرتلا و لوزنلا ةلاح لصفال لعفلا لى ناودنهل لاق و .أبرقت لعفلا لىق و أصخرت مدقت دق و .لوزنلا ةلاح ةقشم نكت مل اذا لدعألا اذه و .ىهتنا .رلسلا ةلاح لى ف ارىثك ادمحم تىأر" :ماشه لاق و .تممتأل احبسم تنك ول " :لاق هنا رمع نبا نع و ،برغملا و رجفلا لى تعك رعدى ال و ،اهدعب ال و رهظلا لبق رفسلا لى ف عوطتى ال لى جورسلل ةيادهل احرش لى ف اذك .".ءاشعلا لبق ال و رصعلا لبق لى ف عوطتى هتأر ام

“Мусофир учун баъзиларнинг қавлига кўра суннатларни тарк қилишга рухсат берилади. “Фазилат шуки, рухсат берилмайди” деганлар ҳам бор. Шамс ул-аимма (ас-Сарахсийга тегишли) “ал-Мабсут”да: “суннатларда қаср қилинмайди, унинг фазилати борасида уламолар гапирганлар” дейилган. Рухсат жиҳатдан таркни, тақарруб жиҳатдан бажаришни айтилган. Ал-Ҳиндувоний: “(Сафарда бирор жойга бориб) тушган ҳолатда суннатларни қилиш афзал, йўлда кетаётган ҳолатда эса тарки яхши” деган. Бирор жойга бориб тушган ҳолатда машаққат бўлмаса, демак, мана шу фикр адолатлироқдир! Ибн Умар (р.а.)дан бир ривоят юқорида ўтдики, у: “Агар суннат ўқийдиган бўлсам, (фарзларни) тўла ўқирдим” деган. Ҳишом айтади: “Муҳаммад (ибн ал-Ҳасан аш-Шайбоний)ни кўп бора кўрганманки, сафарда пешиндан олдин ҳам, кейин ҳам нафл (яъни, суннат) ўқимасди. Лекин бомдод ва шомнинг икки ракъат (суннат)ини тарк қилмасди. Асрдан олдин ҳам, хуфтондан аввал ҳам нафл ўқиганини кўрмаганман”. Шунингдек, ас-Суружийнинг “Шарҳ ал-Ҳидоя” асарида келган”. (Қаранг: Иброҳим Ҳалабий. Ҳалабийи кабир. -Истанбул: Кубро, 1325. 545-бет.)

Юқоридаги иборалардан маълум бўлдики, шариатимизда сафарда суннатларни тарк қилишга рухсат бўлса-да, фазилат ва савоб истаб уларни ўқиш яхши. “Имомлар қўёши” деб улуғланган Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Сарахсий (1046-1106) ўзининг мазҳабимиздаги энг мўътабар манбалардан

ҳисобланадиган асариде сафарда суннатларни қаср қилиб ўқилмаслиги ҳақида айтиб ўтган экан. Мазҳаббошиларимиздан бири Имом Муҳаммад (749-805) эса шариатимиз берган рухсатдан фойдаланиб сафарда суннат намозларини ўқимаганлигини, бироқ, бомдод ва шомнинг суннатларини тарк қилмаганини ҳам билиб олдик. Шундай бўлса-да, Имом Ҳиндувонийнинг фикри энг адолатлиси экан. Яъни, сафарда меҳмонхонагами, борадиган уйигами тушгандан сўнг суннатларни қолдирмаслик керак. Йўлда кетаётганда ўқимаса бўлади.

Демак, ҳар қандай ҳолатда, баъзилар айтганидек сафарда суннат ўқиш асло гуноҳ бўлмайди!

Далиллар келтиришда давом этамиз:

Ўзбекнинг буюк фарзандларидан бири, саркарда фотиҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) ўзининг ақойид ва фикҳга бағишланган "Мубаййин" номли асариде йўл юрмаётган мусофирнинг суннатларни ўқиши авлолиги ҳақида бундай деб ёзади:

Лек суннатларини бил, эй йор,

Қилур-у қилмасиға сен мухтор.

Билингиз ушбу сўзни, эй уламо,

Йўл йурмаста қилсангиз авло. (Қаранг: Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Мубаййин. –Тошкент-2000, 75-бет.)

Мулло Хусрав ал-Ҳанафий айтишига қараганда, мусофирга суннат намозларни тарк қилиши рухсатдир, лекин бажариши тақаррубдир. (Қаранг: Муҳаммад ибн Фаромуз Мулло Хусрав ал-Ҳанафий. Дураар ал-ҳукком фий шарҳ ғураар ал-аҳком. –Истанбул: Саҳҳофия, 1318. 134-бет.)

Мазҳабимиз имомларининг юқоридаги фикрларини қувватлаш мақсадида яна иқтибосларни давом қилдириб, Имом Абу Бакр Косоний (вафоти 587/1191)нинг "Бадойеъ ус-санойиъ фий тартиб аш-шаройиъ" китобларидан келтирамиз:

مّم ث في قوت ال و في قوت ل اب رصق ل ال ، تاع و طت ل و ن ن س ل ا ي ف رصق ال اذك و
ل اق ه ن ا ة با ح ص ل ا ض ع ب ن ع ي و و ر ف س ل ا ي ف ن ن س ل ا ك ر ت ب ل اق ن م س ا ن ل ا ن م و
ة ل ا ح ي ل ع ل و م ح م ا ن د ن ع ك ل ذ و . ة ض ي ر ف ل ا ت م م ت ا ل ر ف س ل ا ي ف ن ن س ل ا ب ت ي ت ا و ل
ن ن س ل ا اء ا ل ث ك م ل ا ه ن ك م ي ا ل ه و و ي ل ع ف و خ ل ا

"Шунингдек, суннат ва нафлларда қаср қилиш йўқ. Чунки, қаср қилиб ўқиш (Аллоҳнинг Қуръони каримдаги амрига) тавқиф (тўхташ) биландир. Бу жойда (суннат ва нафллар борасида) эса тавқиф йўқ. Одамлардан баъзиси (олимлари) сафарда суннатларни тарк қилишни айтган. Баъзи саҳобалардан (жумладан, Ибн Умарнинг) бундай дегани бор: "Агар суннатларни келтирсам, фарзларни тўлиқ ўқиган бўлардим". Бизнинг наздимизда бу нарса, суннатларни адо қилиш учун туришга имкон бўлмайдиган хавф ҳолатига ҳамл қилинган". (Қаранг: Алоуддин Абу Бакр ал-Косоний. Китобу Бадойеъ ус-санойеъ фий тартиб аш-шаройеъ. 1-жилд. –Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. (Йили кўрсатилмаган). 92-93 бетлар.)

Шунинг учун "Эъло ус-сунан" соҳиби Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан сафарда суннат ўқилиши ёки ўқилмаслиги ҳақидаги ривоятлар турлича эканлигидан сафарда бомдод намозининг суннатини ўқиш суннати муаккада ҳолида қолаверади, бошқа намозларнинг суннатлари эса муаккада ҳолатидан суннати завоид ҳолатига тушади, лекин мутлақ нафл (ўқиса савоб, ўқимаса гуноҳ бўлмайдиган) ҳолатидан юқори туради, деган. (Қаранг: Зафар Аҳмад ал-Усманий ат-Таҳонавий. Эъло ус-сунан. 5-жилд. –Байрут: Дор ал-фикр. 2001. 2243-бет.)

Имом Бухорий Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг Макка фатҳ қилинган куни Умму Ҳонеъ разийаллоҳу анҳонинг уйига кириб саккиз ракъат зуҳо намозини ўқиганларини ривоят қилган. (Қаранг: Бухорий, 1103, 1176 ва 4292 чи тартиб рақамли ҳадиси шариф. Қаранг: 182-бет.) Шунинг учун ҳам, "Фикҳ ус-сунна" соҳиби уламоларнинг жумҳури сафарда намозларни қаср қилиб ўқувчи кимса нафлларни – хоҳ у ротиба (беш вақт намозларда ўқиладиган) суннатлар бўлсин, хоҳ бошқалари бўлсин – ўқишлик макруҳ эмаслигига келишганлигини баён қилган. (Сайид Собиқ. Фикҳ ус-сунна. 1-жилд. –Миср: Дор ул-фатҳ, 1999. 21-ншри. 206-бет.)

Демак, баъзилар айтганидек, "сафарда суннат намозларни ўқиш гуноҳ" эмас экан. Шунингдек, кичик бир макруҳ ҳам эмас экан!

"Фикҳ ус-сунна" соҳиби бир қанча далилларни зикр қилгандан сўнг Ҳасан Басрий (642-728)нинг сўзини келтиради: "Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари сафар қилганларида беш вақт фарз намозларидан олдин ҳам, кейин ҳам нафл ўқийверардилар".

Шунинг учун ҳам замонамиз олимларидан Ваҳба Зуҳайлий ўзининг кўп жилдли "ал-Фикҳ ал-исломий ва адиллатух" асарида "Мусофирнинг намози" мабҳасининг еттинчи мавзусида алоҳида бир сарлавҳа остида

"Сафарда суннат намозларини ўқиш ҳақида" сўз юритади ва Имом Нававий (1233-1278)нинг фикрига таяниб, Шофиъий (767-820) ва бошқа жумхур уламолар сафарда суннат намозларини ўқишни мустаҳаб деганларини қайд қилади. (Қаранг: Ваҳба аз-Зухайлий. ал-Фикҳ ал-исломий ва адиллатух. 2-жуз. –Байрут: Дор ул-фикр, 1997. 1371-1372 бетлар.)

Сафарда мутлақ нафл намозларнинг жоизлиги, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бомдод намозининг суннатини сафарда ҳам тарк қилмаганларини, хусусан, унинг қазосини ҳам ўқиганларини, Макка фатҳида Зухо намозини ўқиганларини ва шу далилларга қиёс қилинган ҳужжатлар билан уламоларнинг бундай фикрга келганларини зикр қилади. Ваҳба Зухайлий яна Ҳазрати Ибн Умар разийаллоҳу анҳунинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамда Абу Бакр ва Умару Усмон разийаллоҳу анҳумларнинг суннат намозлари ўқимаганлиги ҳақидаги ривоятни Имом Нававий таъвил қилиб бундай деганини зикр қилади: “Пайғамбар алайҳиссалом ротиба суннатларни ўз жойларида ўқиган бўлсалар, Ибн Умар кўрмай қолган бўлиши мумкин. Аслида нафлларни уйда ўқиган афзал, уларни тарк қилиниши сафарда жоизлигини билдириш учун бўлган бўлиши ҳам мумкин”. (Қаранг: Ваҳба аз-Зухайлий. ал-Фикҳ ал-исломий ва адиллатух. 2-жуз. –Байрут: Дор ул-фикр, 1997. 1372-бет.)

Мазҳабимизнинг энг мўътабар фикҳий манбаси бўлмиш Бурҳониддин Марғилоний (1123-1197)нинг "ал-Ҳидоя" асарида фарзлар учун тўлдирувчи бўлмиш суннатларни барча ҳолатларда ўқишни авло дейилган:

فاخ اذا ال ضئارف لل تالمكم اهنوكل اهلك ل اوحأل اى ف اهر تي ال نا ى ل وأل و
ت قول ا توف

“Авло шуки, суннатларни улар фарзларни тўлдирувчи бўлгани учун барча ҳолатларда тарк қилмагай. Фақат (фарз ўқиш учун) вақтни йўқотиш хавфи бўлса, мустаснодир”. (Қаранг: Бурҳониддин Марғилоний. Ал-Ҳидоя. 1-жилд. –Ҳиндистон: Юсуфий, 1314. 136-137 бетлар.)

“Ҳидоя”нинг ўзбекча таржимасида юқоридаги иборалар бундай таржима этилган:

“Энг афзали – ҳар қандай ҳолатда ҳам суннатларни тарк этмаслик. Чунки суннат фарзларни мукамал қилиш учун келади, фақатгина фарзнинг вақти чиқиб кетишидан қўрқса, суннатини ўқимаса бўлади”. (Қаранг: Бурҳониддин Марғилоний. Ҳидоя. Жамоатга етишиш боби. 1-жилд / Таржимонлар Салоҳиддин Муҳиддин ва бошқалар. –Т.: Адолат, 2001. 257-

бет.)

Мазкур матнни “Ҳидоя”нинг энг машҳур шориҳлари ҳисобланадиган “Иноя” ва “Фатҳ ул-қадир” соҳиблари “барча ҳолатлар бу жамоатда ҳам, якка ўқиганда ҳам, сафарда ҳам, муқимликда ҳам суннатлар ўқилишидир” деган маънода шарҳ қилганлар. Жумладан, “ал-Иноя” соҳиби бундай деб ёзиб қолдирган:

ءاوس ىنعى (اهلك لاولألى ف) بتاورلا ن نسلأى، أ (اهكرتى ال نأ ىل وألأ و) و نودشارلا ءافل لعل لعف اذكه ارفاسم و امىقم و ادرفنم و اةعامجلاب ىلص لىمك ىلأ هراقف ال اهلى ل جوح أدرفنم لال و نىعباتلأ و ءباحصلأ رابك اهكرت نم لىبسب هناف تقولأ توف فاخ اذا الالمك للى دؤى و باوثلأ

“(Авло шуки уларни тарк қилмагай), яъни, ротиба (одатий) суннатларни (барча ҳолатларда), яъни жамоат бўлиб ўқиши, ёлғиз ўқиши, муқим бўлиши ёки мусофир бўлиши баробардир. Хулафойи рошидийнлар, улуф саҳоба ва тобиъинларнинг феъли мана шудир! Зотан, ёлғиз ўқувчи суннатларга муҳтожроқдир, савобларни мукамал қилиши талаб қилиб комил адо қилгай. Фақат вақт йўқолишининг хавфи бўлса мустаснодир. Бунда уларни тарк қилган кимсага йўл бор”. (Акмалуддин Бобуртий. Ал-Иноя. –Миср: Амирия, 1310. 343-бет.)

“Фатҳ ул-қадийр” соҳиби эса: “Ақлан олиб қараганда ҳам суннат намозларнинг мусофирга ҳам, муқимга ҳам машруълиги келиб чиқади” деб, сафарда суннат ўқилмайди дейдиганларга танбеҳ берган, ақлини ишлатишга чақирган. (Қаранг: Камолиддин ибн ал-Ҳумом. Фатҳ ал-қадийр. Боб идрок ал-фариза. 1-жилд. –Миср: Амирия, 1310. 343-бет)

Мазҳабимизнинг кўзга кўринган фақиҳларидан бири Зайниддин ибн Нужайм ал-Мисрий (1519-1562)нинг машҳур “Баҳр ур-ройиқ” асаридан иқтибос оламиз:

لىقف :رفسلألى ف ن نسلألى كرتى ف اوفللتخا و . ن نسلألى و رتولألى ف رصقت ال لال لعفلألى ن اودنه لال لاق و . أب رقت لعفلألى لىق و أصىخرت كرتلألى وه لصفألألى برغم لة نس لىق و ءصاخ رجفلألى ن س لىل لىق و . رىسلألى لال كرتلألى و لوزنلألى اهال ، اهب ىتأى رارق و نم لال لال ناك نا ه نأ راتخم لال و سىجن تاللى ف و . أضى أ كرت ه نال ، اهب ىتأى ال فوخ لال لال ناك نا و . جاتحم ه لال رفاصلألى و تالمكم تعرش رذعب

“Витр ва суннат (намозлар)да қаср қилинмайди. Сафарда суннатларни тарк қилиш борасида (уламолар) ихтилоф қилганлар: рухсат жиҳатидан тарк қилиш афзал ҳам дейилган, тақарруб (Аллоҳга яқин бўлиш, қурбат

ҳосил қилиш) жиҳатдан бажариш афзал ҳам дейилган. Ал-Ҳиндувоний тушган ҳолатда бажаришни, юраётган ҳолатда эса тарк қилишни айтган. Хусусан бомдод намозининг суннати ўқилади, дейилган. Шом намозининг суннатини ҳам ўқиш айtilган. “ат-Танжис” ва “ал-Мухтор” китобларида келишича, омонлик ва қарор топган ҳолат бўлса, суннатларни келтиради. Чунки уларни (фарзлар учун) мукамал қилувчи сифатида шариатга киритилган. Мусофир эса унга (кўпроқ) муҳтож. Агар хавф ҳолати бўлса, суннатларни келтирмайди. Чунки узр сабабли тарк қилган бўлади”. (Қаранг: Зайниддин Ибн Нужайм ал-Мисрий. Баҳр ур-ройиқ. 2-жилд. -Миср: Илмия, (йили кўрсатилмаган). 141-бет.)

“Баҳр ур-ройиқ” соҳиби мазкур иборасида ҳанафийликнинг энг мўътабар фикҳий матн китобларидан бўлмиш иккитаси – “ат-Танжис” ва “ал-Мухтор” да фарзларга тўлдирувчи, уларни мукамал этувчи ҳисобланган суннатларга фарзларини қисқартириб ўқиётган мусофир киши кўпроқ эҳтиёжманд эканлигини айtilганини зикр қилмоқда. Демак, мусофир киши иложи борича суннатларни қолдирмаслиги керак. Хусусан у ибодат қиламан деб муқаддас икки ҳарамга борганида, албатта, намоз суннатларини ўқиши лозим.

Энди, аҳли суннат ва жамоатнинг бошқа учта мазҳабида сафарда суннат ўқиш ҳақида нималар дейилганини ҳам қисқача кўриб чиқсак:

Моликийларнинг энг мўътабар китобларидан “Мудаввана ал-кубро”сида: “Киши сафарда уловида қайси тарафга қараб бўлса ҳам нафл намозларини кечаю кундуз ўқиб кетаверади. Шунингдек, сафарда кечаю кундуз ерга тушиб нафл ўқийверади” дейилган. (Қаранг: Ал-Мудавванат ал-кубро / ал-Мактабат аш-шомила. Ал-Исдор ас-соний. 1/161-162.)

Суннат намозлари ҳам аслида нафллар жумласига киргани учун моликийлар наздида ҳам сафарда суннат намозларини ўқиш мумкинлигини билиб оламиз.

Шофиъийларнинг энг машҳур фикҳий китобларидан бири, шубҳасиз, “Тухфат ул-муҳтож фий шарҳ ал-Минҳож” асаридир. Унда “Нафл намозлар ҳақидаги боб” да сафарда суннатлар ўқишни очиқдан-очиқ тарғиб қилинган:

رضح لى ف اهنكل م ت ا و ا ر ص ق ا ء ا و س ر ف س ل ا ف ة ب ت ا ر ل ا ن ن س ل ا ل ع ف ن س ي و
"هلوق. هتداهش تدر ة ب ت ا ر ل ا ك ر ت ل ع ب ظ ا و ن م ن ا ت ا د ا ه ش ل ا ف ي ت ا ي س و . د ك ا
ب ر ق ا ل ا ل ع ة د ك و م ر ي غ و ل و ا ه ض ع ب ا ذ ك و ا ه ل ك ، ا ي ة ب ت ا ر ل ا ك ر ت ل ع

“Ротиба (фарзларга боғланган) суннатларни сафарда бажариш суннатдир, хоҳ уларни қаср қилиб ўқисин, хоҳ тўла ўқисин. Лекин ҳазарда (муқимликда) уларни ўқиш таъкидланганроқдир. Гувоҳликлар бобида тезда келадик, кимки ротиба суннатларни доим тарк қиладиган бўлса, гувоҳлиги рад қилинади. “Ротиба суннатларни тарк қилса” деган гапи уларнинг ҳаммасини тарк қилиш тушинилади. Шунингдек, баъзисини тарк қилганда ҳам, гарчи муаккада суннатлардан бошқаларини тарк қилаверса, (ҳақиқатга) яқинроқки гувоҳлиги рад қилинади”. (Қаранг: Тухфат ул-мухтож фий шарҳ ал-Минҳож / ал-Мактабат аш-шомила. Ал-Исдор ас-соний. 7/313. Шунингдек, гувоҳликлар ҳақидаги бобда суннатларни тарк қиладиган кимсанинг гувоҳлиги мардуд эканлиги таъкидланган. Қаранг: 20/339.)

Демак, юқоридаги иқтибосдан маълум бўлдики, шофиъийлар наздида сафарда ҳам суннатларни ўқиш суннатдир. Гарчи уларни қаср қилиб ўқиш имконияти бўлса, шундай қилиб ўқиш лозим эканки, акс ҳолда сафарда суннат ўқимайдиган бўлса, гувоҳлиги шаръан ҳеч қаерда ўтмас экан.

Ҳанбалий мазҳаббошиси Имом Аҳмад сафарда суннатларни ўқиш керак, дейдиганлар тарафида эканини Имом Термизийнинг юқорида ўтган гапларидан билиб олдик. Ҳанбалий мазҳабидагиларнинг машхур асарларидан бири бўлмиш “Кашшоф ул-қиноъ ʻан матн ал-Иқноъ” да ҳам сафарда суннатлар ўқилиши, бу борада ихтиёрли эканлиги айтилган:

بناورلای، اولعف نېب رېخېف، رفس ىف الا (بناورلای ن نسلل كرات) م ثأى و
و رجف ة نسل الا رصقلا هېف زاج ك لذل و. ةقش م لا ة ن ظم رفس لال نال، اه كرت نېب و
مدقت امل امه دكأتل رضل اك رفس لای، هېف نال عفف، رت و ة نسل

“Ротиба суннатларни тарк қилувчи гуноҳкор бўлади. Фақат сафарда эмас, бас, сафарда уларни бажариш ва тарк қилиш орасида ихтиёрлидир. Чунки, сафар машаққат тахмин қилинадиган жойдир. Шунинг учун ҳам унда қаср ўқиш жоиз бўлган. Бомдод ва витр суннатларини қаср қилинмайди. Юқорида ўтдики, бу иккисини таъкидлангани учун сафарда худди ҳазар (муқимлик)дагидек қилиб ўқийди”. (Қаранг: Кашшоф ул-қиноъ ʻан матн ал-Иқноъ / ал-Мактабат аш-шомила. Ал-Исдор ас-соний. 3/258.)

Шунинг учун ҳам бошида ҳанбалий мазҳабига тақлид қилган, кейинчалик ўзи ижтиҳод қила бошлаган Ибн Таймия (1263-1328) ҳам сафарда суннат намозларини ўқиш афзал, деган эди. Унинг фикрларини Ваҳба аз-Зухайлий бундай ифодалайди:

اهكتر ءاش نم و اهل ع ءاش نم ف ، زئاج رفسلا ى ف بتاورلا ن نسلال ع ف
انايح اكرتلا و ، اهل ناسنالا ءاجل لصف انايحا لعفل و . ءمئالا قافاتاب
هبلع هللا ىلص ى بنلا نكل . اهنم لصف ا وه امب ناسنالا لغتشا اذا لصف ا
ورهظلا لبق ءالصلا ا . رتولا و رجفلا ىت ءكرالا بتاورلا نم ىلص ى مل ملسو
لعف هنا ملسو هبلع هللا ىلص ى بنلا نع دح ا لقني مل ف برغملا دعب و اهدعب
رفسلا ى ف ك ل ذ

Сафарда ротиба суннатларни ўқиш жоиздир. Бас, имомларнинг
иттифоқига биноан, кимки хоҳласа уларни бажаради, кимки хоҳласа тарк
қилади. Инсон суннатларга муҳтож бўлгани учун гоҳида бажариш
афзалдир. Улардан-да афзалроқ нарсага инсон машғул бўладиган бўлса
тарк қилган афзал. Лекин Пайғамбар алайҳиссалом бомдоднинг икки
рақъат суннати ва витрдан ташқари ротиба суннатларни ўқимаганлар.
Пешиндан олдин ва кейин ҳамда шомдан сўнгги намозларга келсак,
сафарда бажарганликларини Пайғамбар алайҳиссаломдан ҳеч ким нақл
қилмаган”. (Қаранг: Ваҳба аз-Зухайлий. ал-Фикҳ ал-исломий ва адиллатуҳ.
2-жуз. –Байрут: Дор ул-фикр, 1997. 1372-бет. Унда бунга ҳавола қилинган:
Фатовойи Ибн Таймия. 22/279-280.)

Бошқа жойда Ибн Таймия сафарда суннатларни ўқишнинг мустаҳаблиги
ёки ундай эмаслиги борасида уламолар тортишганлар, деган. (Қаранг: Ибн
Таймия. Мажмуъи фатово. 5/290 ва Фатовойи кубро. 2/259 / ал-Мактабат
аш-шомила. Ал-Исдор ас-соний.)

Демак, Ибн Таймиянинг фатвосига кўра ҳам сафарда суннатларни ўқиш
мумкин. Уни тарк қилишга рухсат ҳам бор. Ибн Таймия ва шунингдек,
унинг шогирди Ибн ал-Қаййим (вафоти 751/1350)лар Пайғамбар
алайҳиссаломдан пешин ва шомнинг суннатлари ўқилгани ҳақида ҳеч ким
нақл қилган эмас, деган бўлса-да, бироқ заиф ривоятлар билан бўлса ҳам
булар нақл этилган. Фазойили аъмол борасида заиф ривоятларга ҳам
суяниш мумкинлигига бутун муҳаддис ва фуқаҳолар иттифоқ қилганлар.
Шунинг учун ҳам бу икки зот сафарларда суннат ўқишни мутлақо инкор
қилган эмаслар, сафарда суннатларни ўқиш гуноҳ бўлади, деган ҳам
эмаслар. (Қаранг: Ибн ал-Қаййим ал-Жавзия. Зод ул-маод / ал-Мактабат аш-
шомила. Ал-Исдор ас-соний. 1/298.)

Мана шу юқорида ўтган барча далилларга суяниб айтишимиз керакки,
покланиш сафари бўлмиш ҳажда банданинг ибодат қилиши ғаниматдир.
Меҳмонхоналар шай ва озода, уч маҳал овқат ўз вақтида тайёр, автобуслар
кечаю кундуз хизматда бўлган бу сафарда, шаъни улуғ тўрт мазҳабнинг
яқдил фикрига кўра, ҳарамии шарифда суннат намозларни тарк қилиш ҳам,

шунга тарғиб қилиш ҳам жуда катта хатодир!

Сафарда суннат намозларини ўқиш ёки ўқимаслик ҳақидаги тортишув Арафот ва Муздалифада намозларни жамъ қилиб ўқиш асносида, айниқса, юзага чиқади.

Ҳожилар Арафот майдонида пешин вақтида пешин билан аср намозларини, Муздалифада эса хуфтан вақтида шом билан хуфтан намозларини қўшиб ўқиши маълум. Бу аҳли суннатнинг тўрт мазҳабида ҳам суннати набавияга кўра олинган ҳукмдир. Бу жойларда икки фарз жамъ қилиб ўқилганда ўртада ҳеч қандай нафл ва суннат намозлар ўқиб, икки фарз орасини ажратилмайди.

Саҳиҳ ҳадиси шарифларда Арафотда ва Муздалифада икки намозни жамъ қилиб қўшиб ўқилганда, Расулуллоҳ (с.а.в.) икковининг орасида суннатларни ўқимаганлиги очиқ-ойдин баён этилган. Шунинг учун ҳанафийликнинг энг мўътабар фикҳий манбаси бўлмиш Бурҳониддин Марғилонийнинг "ал-Ҳидоя" асарида бу алоҳида таъкидланган:

...فوقولادوصقملايصحتنيتالصلالنيبغوطيالو

...عجمجلابلحيهنالامهنيبغوطيالو

"Икки намоз (пешин билан аср)нинг орасида нафл ўқимайди, Арафотда туриш мақсади ҳосил бўлгани учун"... "Иккови (шом билан хуфтан)нинг орасида нафл ўқилмайди. Жамъ бўлгани учун бу ҳалол бўлади". (Қаранг: Бурҳониддин Марғилоний. Ал-Ҳидоя. 1-жилд. –Ҳиндистон: Юсуфий, 1314. 226 ва 228 бетлар.)

Кейинги иборада Аллома Фақиҳ сафар сабабли эмас, балки икки намозни жамъ қилиб ўқилгани учун икки фарз орасидаги суннатни ўқимаслик ҳалол бўлишини айтмоқда! (Ва яна солиштириш учун қаранг: Бурҳониддин Марғилоний. Ҳидоя. 1-жилд / Таржимонлар Салоҳиддин Муҳиддин ва бошқалар. –Т.: Адолат, 2001. 511 ва 516 бетлар.)

Бу ҳақдаги фикҳий манбаларга мурожаат қилсак:

انذاداعأوهركامهنيبغوطولفرهظالآنسريغنيتالصلالنيبغوطيالو
يفاللىفاذكه،ةياورلارهاظىفرضعلا

"Икки намознинг ўртасида пешиннинг суннатидан бошқа нафл ўқимайди. Бас, агар икковининг орасида нафл ўқиса, макруҳ бўлади ва зоҳири ривоятга кўра асрнинг азонини қайтаради. Мана шундай "ал-Кофий"да

келгандир". (Қаранг: ал-Фатово ал-Ҳиндия ал-маъруфа би-л-Фатово ал-Оламгирия. 1-жилд. –Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2000. 252-бет.)

Пешин билан асрнинг ўртасида суннатни ўқиш мумкинлиги Ҳанафий мазҳабининг йирик фатво китобларидан "Муҳит" ҳамда "Захира"да ҳам айтилганлиги маълум. Тезлик билан суннатни ўқиб олиш ҳақидаги фикрга Имом ал-Бухорийнинг ҳадис тўпламига энг машҳур шарҳ ёзган муҳаддис алломалардан бири "Фатҳ ул-Борий" китобининг соҳиби Аллома Ибн Ҳажар ал-Асқалоний ҳам қўшилган дейиш мумкин ва у "жамъ қилинган икки намоз орасида кичкина амал қилишнинг зарари йўқ" деган гаплари билан ишора этган. (Қаранг: Фатҳ ул-борий, 3/317.)

Лекин Ибн Ҳумом зикр қилганки, бу Жобир ибн Абдуллоҳ (вафоти 78/797) разийаллоҳу анҳунинг узун ҳадисига ҳам, фикҳий матн китобларидаги "Икковининг орасида нафл ўқилмайди" деган гапга ҳам зид экан. Зотан, нафллар ичига суннат ҳам киради. (Қаранг: Камолиддин ибн ал-Ҳумом. Фатҳ ал-қадийр. Боб ан-навофил. 2-жилд. –Миср: Амирия, 1310. 164-бет.) Шунинг учун "Баҳр ур-ройиқ" соҳиби "Саҳиҳ қавлга кўра суннати муаққада бўлса ҳам жамъ қилинган икки намоз орасида нафл ўқилмайди", деган. (Қаранг: Зайниддин Ибн Нужайм ал-Мисрий. Баҳр ур-ройиқ. 2-жилд. –Миср: Илмия, (йили кўрсатилмаган). 366-бет.)

Ибн Ҳумомнинг гапига Абул Ихлос Ҳасан ибн Имод аш-Шурунбулолий (вафоти 1069/1659) ҳам қўшилган. Унинг айтишига қараганда, Ибн аш-Шеҳна (1447-1515) нақл қилганки, "Ҳидоя" соҳиби ўзининг "ат-Танжис" китобида "пешиннинг кейинги суннати ўқилмайди" деб фатво берган. (Қаранг: Абул Ихлос Ҳасан ибн Имод аш-Шурунбулолий. Ҳошият ад-Дурар. 1-жилд. –Истанбул: Саҳҳофия, 1318. 226-бет.) Демак, асрдан кейин суннат ўқиш макруҳ бўлгани учун пешиннинг ўша суннати умуман ўқилмай тарк этилади. "Баҳр ур-ройиқ"да ҳам пешиндан кейинги суннат намози ўқилмаслигини саҳиҳ, дейилган экан. (Қаранг: Зайниддин Ибн Нужайм ал-Мисрий. Баҳр ур-ройиқ. 2-жилд. –Миср: Илмия, (йили кўрсатилмаган). 362-бет.) Бу вақтда асрдан кейин пешиннинг суннат намози ўқилмаслиги "Дурр ул-мухтор" ва унинг машҳур ҳошияси "Радд ул-мухтор"да ҳам айтилган. (Қаранг: Муҳаммад Амин ибн Обидийн. Радд ул-мухтор ъало ад-Дурр ал-мухтор. 3-жилд. –Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2003. 519-бет.)

Пешин билан асрнинг орасида пешиннинг суннати ўқилмаслигини мазҳабимизнинг йирик олимларидан "Умдат ул-қорий шарҳи Саҳиҳ ал-Бухорий"нинг соҳиби Бадриддин Айний (1360-1451) машҳур фикҳий матн китоби бўлмиш Абул Баракот Ҳофизиддин Насафий (вафоти 310/1310)нинг

"Канз уд-дақойиқ" асарига ёзган "Рамз ул-ҳақойиқ" номли шарҳида "саҳиҳ ривоят" мўъламаси билан кўрсатади ва икки фарз орасида суннатни ўқишни макруҳ деб зикр қилади. (Қаранг: Абул Баракот Насафий. Канз уд-дақойиқ. (Бадриддин Айнийнинг асари ҳошияда). –Ҳиндистон: Фатҳул карим матбааси, 1305. 78-бет.) Мавлоно Алий ал-қори ҳам ўзининг "Шарҳ ал- Маслак ал-мутақассит" асарида Арафотдаги икки намозни жамъ қилиб ўқиганда, пешиннинг кейинги суннати ва асрдан олдинги нафлий суннатни имом ва қавм ўқишлари макруҳ, деган. (Қаранг: Мавлоно Алий ул-қори. Шарҳ ал-Маслак ал-мутақассит. –Истанбул: Кубро, 1288. 101-бет.)

Арафот майдонида пешин билан асрни жамъ қилиб ўқилганда, улар орасида намоз ўқилмаслигини Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўзининг фикҳий асарида айтган:

Ўтасун зуҳрни иқомат ила,

Асрни ҳам ўтар бу ҳайъат ила.

Жамъ қилғон маҳалда ики салот,

Арода нафл қилма ул авқот. (Қаранг: Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Мубаййин. –Тошкент-2000, 153-бет.)

Асрдан кейин намоз ўқилмаганлиги учун ундан кейин пешиннинг қолиб кетган суннати ҳам ўқилмай қолаверади.

Ҳожилар Муздалифага келганларидан сўнг хуфтан вақтида шом билан хуфтонни қўшиб адо этадилар. Уларнинг орасида ҳам нафл ўқилмайди. Лекин икки фарздан сўнг уларнинг суннатлари ўқилади. Буни энг аввал буюк шоир, мутасаввиф олим, Алишер Навоийнинг устози Абдурахмон Жомий (1414-1492) айтиб ўтган эди. Унинг "Рисолаи маносики ҳаж ва умра" рисоласи дунё кутубхоналарининг қўлёзмалар фондида сақланади. Ҳалигача нашр этилмаган бу асарнинг ўнга яқин нодир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида асраб келинади. Абдурахмон Жомий ҳазратлари ушбу рисоласида айтишича, 877 ҳижрий санада (1472-1473 йиллар) ҳаж зиёратига борганда Бағдод шаҳрини ҳам бориб кўради. Ўша ерда бир неча кун ушланиб қолади. Фурсатдан фойдаланиб мазкур рисола тасниф қилган. Унда ҳаж ва умра расм-русумлари ҳамда Ҳазрати Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабрларини зиёрат қилиш одоблари тўрт мазҳабга мувофиқ ва тариқат аҳли қабул қилган тарзда баён қилишини айтиб ўтган. Абдурахмон Жомий

мазкур асарида Муздалифада шом билан хуфтон намозларини қўшиб ўқиганда фарзлардан сўнг ушбу икки намознинг суннатларини ва витрни ўқилишини айтиб ўтган. (Қаранг: ЎзР ФА ШИ қўлғезмалар фонди, инв.№ 10888/IV. 357а-варақ.)

Абдурахмон Жомий айтганидек қилиниши “Радд ул-мухтор” да ҳам айтилган. (Қаранг: Ибн Обидин. Радд ул-мухтор. 3-жилд. –Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2003. 525-бет.) Ибн Обидин (1783-1836) “Бахр ур-ройиқ” қа ёзган хошияси “Минхат ул-холиқ” да Мавлоно Жомий ҳазратларининг айтганларидек, хуфтон ва шомнинг фарзи ўқиб бўлингандан сўнг ҳожилар шом ва хуфтон суннатлари, кейин эса витрни ўқишларини Мавлоно Алий ал-қоридан нақл қилиб ёзиб қолдирган. (Қаранг: Ибн Обидин. Минхат ул-холиқ хошияту Бахр ар-ройиқ. –Миср: Илмия, (йили кўрсатилмаган). 366-бет.) Алий ал-қори эса ўзининг “Шарҳ ал- Маслак ал-мутақассит” асарида бундай деб битиб қолдирган:

امك ،امه دعب رتولوا و عاشعلا و برغمللا ةنس ىلصي لب ،أى ،امه ني ب عوط تي ال
ى ف ى ماسلا ةرس ىلعات و ه ن اح بس هللا سدق ى ماجلا ن محرلا دب ع انالوم ه ب ح رص
هك سنم

“Икковининг (шом билан хуфтоннинг) орасида нафл ўқимади, балки шом ва хуфтоннинг суннатлари ҳамда витрни икковидан кейин ўқийди. Чунончи, буни Мавлоно Абдурахмон Жомий, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло унинг юсак сирини муқаддас қилсин, ўзининг ҳаж расм-русумлари ҳақидаги рисоласида очиқ айтиб ўтган”. (Қаранг: Мавлоно Алий ул-қори. Шарҳ ал-Маслак ал-мутақассит. –Истанбул: Кубро, 1288. 114-бет.)

Бу ҳақда хулоса қилиб Заҳириддин Муҳаммад Бобур бундай деган:

Шом-у хуфтанни анда жамъ этгил,

Вақт-и хуфтанда ҳар икисини қил.

Бир азон бирла, бир иқомат айла,

Ўта ҳар икисини бу ҳайъат ила.

Билга-сен-ким бу ики фарз аро,

Фосила бўлмасун қилурда адо.

Фарзлардин фароғат ўлғонда,

Сунан-у нафл-у витр ўта анда. (Қаранг: Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Мубаййин. –Тошкент-2000, 155-бет.)

Шофиъий мазҳабининг фикҳий манбаларидан бири “Тухфат ул-муҳтож”да ҳам ҳаж мавсумида Муздалифада шом билан хуфтонни қўшиб ўқилгандан сўнг ротиба суннатларини ҳамда витрни ўқиш кераклиги айтилган. (Қаранг: Тухфат ул-муҳтож фий шарҳ ал-Минҳож / ал-Мактабат аш-шомила. Ал-Исдор ас-соний. 15/221-222.)

Шунинг учун ҳанафий ва шофиъийлар наздида шом билан хуфтонни ўқигандан сўнг шом ва хуфтоннинг суннатлари ўқилади ва витр ҳам ўқилиши яхшидир. "Эъло ус-сунан"да Зафар Аҳмад ал-Усманий: "Мўътамад гап шуки, шом билан хуфтанни жамъ қилиб ўқигандан кейин шомнинг ва хуфтаннинг суннатлари ҳамда витр намози ўқишни фақиҳлар таъкидлаганлар. Бу ҳанафийлар ва шофиъийлар мазҳабидадир. Имом Нававий "Шарҳ Саҳиҳ Муслим" асарида "Бизнинг мазҳабимизда ротиба суннатларни ўқиш мустаҳаб. Бироқ, уни икковининг орасида эмас, икковидан кейин ўқилади" деган", деб ёзиб қолдирган (Қаранг: Зафар Аҳмад ал-Усманий ат-Таҳонавий. Эъло ус-сунан. 7-жилд. –Байрут: Дор ал-фикр. 2001. 3101-бет.). "Эъло ус-сунан"да айтилишича, Расулulloҳ (с.а.в.) икки намозни қўшиб ўқиганида, улар орасида намоз ўқимагани ривоятлар орқали етиб келган, лекин улардан сўнг намоз ўқимай қўйгани маълум эмас.

Сабаби, бу кеча ибодат билан уйғоқ ўтказиш Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонидан тарғиб қилинган:

بولقلا تومت موي هبلق تمي مل يحضألا ةللي و رطفلا ةللي يحيأ ن م

“Кимки рамазон ҳайити ва қурбон ҳайити кечаларини (ибодат билан) тирилтирса, қалблар ўладиган кунда унинг қалби ўлмагай!”. (Қаранг: Табароний ривояти. “Мажмаъ аз-завоид”да (2/198) ровийлари орасида Умар ибн Ҳорун ал-Балхий борлиги учун мазкур ҳадисни заиф деган. Гарчи ушбу ровийни Ибн Маҳдий мақтаган бўлса ҳам, бироқ кўп ҳадисшунослар заиф деганлар. Хужжат олишда бундай заифликлар зарар қилмайди. Зотан, фазойили аъмол борасида бу хилдаги ҳадиси шарифлар кифоя қилаверади. Бинобарин, икки ҳайит оқшомини ибодатла ўтказиш мустаҳаблигича қолаверади.)

Мазкур ҳадиси шарифни қувватлайдиган шу хилдаги яна бирини Ибн Можжа ривоят қилган:

بولقلل تومت موي هبلق تمي مل ابستحم نديعلل يتليل ماق نم

“Кимки икки ҳайит кечасини савоб умидида ибодат билан тик ўтказса, қалблар ўладиган кунда унинг қалби ўлмагай!”. (Қаранг: Ибн Можжа (1/542) ривояти. Лекин буниси олдинги ҳадисдан-да заифроқ. Бироқ, олдингиси ва бошқалари билан қувват топиб, амал қилишга яраб қолган.)

Бинобарин, мазкур маънодаги ҳадиси шарифга амал қилиб, суннат ва нафл намозлар ўқиб ҳайит кечасини ибодатда тонг оттириш мустаҳабдир. Бу кеча ва бошқа вақтларда суннатларга бепарво бўлмаслик лозим.

Суннатларга ихлос қилиб, уларни имкон қадар бажо келтиришга инсон ҳарисманд бўлмоғи керак. Асло уларни енгил санамаслик, уларга нисбатан бепарво бўлмаслик даркор. Зотан, суннатларга бўлган ихлосимиз натижасида қиёматда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларида юзларимиз ёруғ бўлади. Шунинг учун ҳам фикҳий манбаларимизда қуйидаги фикрлар ҳам ўз ифодасини топган:

و افافحتسا اهكرت هنال ،رفك دقف اقح ن نسلل ري مل نا ةالصلا ن نس كرت لجر
طيحملل ى ف اذك ،كرتلل اب دي عولا ءا هنال م ثأي ه نأ حيصللاف اقح اهآر نا
ىسخرسلل

"Бир киши намознинг суннатларини тарк қилса, агар суннатларни ҳақ деб кўрмаса, аниқки, кофир бўлибди. Чунки уларни енгил санаб тарк қилган. Агар уларни ҳақ деб кўриб тарк қилса, саҳиҳ шуки, гуноҳкор бўлади. Чунки тарк қилганига ваъид келган. Чунончи, "Муҳит ас-Сарахсий"да келгандир". (Қаранг: ал-Фатово ал-Ҳиндия ал-маъруфа би-л-Фатово ал-Оламгирия. 1-жилд. -Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2000. 124-бет.)

Мазкур қарашни Камолиддин ибн ал-Ҳумом "Ҳидоя"га ёзган шарҳида Абул Лайс ас-Самарқандий (вафоти 394/1003)нинг "ан-Навозил" асаридан олиб келтирган. (Қаранг: Камолиддин ибн ал-Ҳумом. Фатҳ ал-қадийр. Боб ан-навофил. 1-жилд. -Миср: Амирия, 1310. 313-бет.)

Сўфи Аллоҳёр (1640-1723) бобомиз эса бундай байтлар битиб қолдирган:

Кард кас тарки суннат, эй неку,

Гар ба-узр аст ҳаст маъзур у.

Тарк созад таҳовунан гар он,

Нест мақбул фарзи ин инсон.

Тарки суннат чи хислати шум аст,

З-он чунон ажрҳоки маҳрум аст. (Қаранг: Сўфи Аллоҳёр. Маслак ул-муттақин. –Тошкент: Фуломий, 1325. 335-бет.)

(Мазмуни: Эй, яхши инсон! Агар бир киши суннатни узр билан тарк қилса, у маъзурдир. Агар енгил санашлик ила тарк қилса, бу инсоннинг фарзи мақбул эмас. Зотан, киши қанча-қанча савоблардан маҳрум қоладиган бўлса, суннатнинг тарки нақадар бахтсизликдир!). (Байт мазмунини солиштиринг: Сўфи Оллоёр. Маслакул муттақин / Нашрга тайёрловчилар: Сайфиддин Сайфуллоҳ, Акрам Деҳқон. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2007. 202-бет.)

Аслида мазкур фикр Бухоролик машҳур фақиҳнинг “Хулосат ул-фатово” асаридан нақл қилинган бўлиб, унда бундай дейилади:

وهضرف لبقوي الانواهت رذع ريغب كرت ول و رذعم وهف رذعب ةنسل لا كرت نم
اه كرت نع ل أس ي

“Кимки суннатни узр билан тарк қилса, у маъзурдир. Агар узрсиз бепарволик ва диққатсизлик, енгил санашлик ва аҳамиятсиз кўрмоқ ила тарк қилса, унинг фарзи қабул бўлмайди ва суннатларни тарк қилгани учун масъул бўлади”. (Қаранг: Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдуррашид ал-Бухорий. Хулосат ул-фатово. 1-жилд. –Лакнау: Мунший навол кишвар, 1911. 62-бет.)

Бошқа ўринда Сўфи Аллоҳёр бобомиз мана буларни зикр қилган:

“Суннати завоидни қилса савоб топар. Марди Худо қачон савобдин юз ўгиргандурлар. “Салоти Масъудий” да айтур: “Агар саҳобаларни аввали ва охири иттифоқ қилган суннатга мункир бўлса кофир бўлур. Аммо ихтилоф қилғон суннатга мункир бўлса кофир бўлмас, лекин бидъаткунанда (бидъат чиқарувчи) бўлур”. (Қаранг: Сўфи Оллоёр. Маслакул муттақин / Нашрга тайёрловчилар: Сайфиддин Сайфуллоҳ, Акрам Деҳқон. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2007. 189-бет.)

Яна бир ўринда эса Сўфи Аллоҳёр бобомиз мана буларни ёзиб огоҳлантирган:

“Кифояи Шаъбий” да айтур: “Одобларни зинҳор тарк қилмаки, суннат қўлдан кетар, суннатни тарк қилмаки, вожиб қўлдин кетар, вожибни тарк қилмаки, токи фарз қўлдин кетмасун. Фарзни эътиқод ила тутки, иймонға

нуқсон етмасун”. (Юқоридаги манба. 62-бет.)

“Хулосат ул-фатово”да ҳам “Вожиблар фарзларни камолга етказувчи, суннатлар вожибларни комил қилувчи, одоблар суннатларни мукаммаллаштирувчидир”, деб келтирилган. (Қаранг: Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдуррашид ал-Бухорий. Хулосат ул-фатово. 1-жилд. –Лакнау: Мунший навол кишвар, 1911. 51-бет.)

Демак, юқоридагиларга бу тарзда ХУЛОСА қилиш мумкин:

◆ Ҳанафия мазҳабида ҳам, бошқа аҳли суннатнинг уч мазҳабида ҳам сафарларда суннат намозларни ўқиш мумкин ва бу асло гуноҳ эмасдир. “Сафарларда суннат намозлари ўқилмайди” дейдиганлар эса бидъатчи, янги тоифадаги гуруҳлар томонидан айтилган бўлади.

◆ Сафарларда вақт зиқ бўлмаса, суннат намозларини ўқишга имконият бўлса, уларни ўқиш авлодир. Зотан, уни ўқиш азимат ва тақаррубдир. Суннатларни сафарларда тарк қилишга рухсат этилади. Ҳожилар ҳаж зиёратига борганда барча имконият ва қулайликлар бўлгани, муқаддас маконларга, асосан, ибодат қилиш учун борилгани боис суннат намозларини ўқиш янада авло ва аҳамиятли бўлиб қолади.

◆ Ҳаж мавсумида икки намозни жамъ қилиб ўқилганда, орасида суннат намози ўқилмайди: пешиндан аввал унинг суннати ўқилади, лекин ортидаги суннати тарк этилади. Шом билан хуфтон фарзлари ўқилгандан сўнг шом билан хуфтоннинг суннатлари бирин-кетин ўқилади, сўнг витр намози ҳам ўқилади.

Ҳамидуллоҳ Беруний